

Мусулмон одам азоннинг овозидан баҳра олади | Ҳадис дарслари (305-дарс)

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

305-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 30 октябрь 467

رَأَيْتُمْ لَيْلَةَ نَبْنَبٍ نَمِةً أَرْمَانَعِ
لَوْ طَأْنَا نَمِيَّتِي بِنَاكَ تَلْأَقِ
نَاكَ وَدَجَسَمَلَا لَوْحِ تِي ب
رَجَفَلَا هَيْلَعُ نَدْوِي لَالِب
دُوَادُ وَبَأْ هَاوَرِ

Бани нажжорлик бир аёл розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Менинг уйим масжид атрофидаги энг баланд уй эди. Билал Бомдоднинг азонини унинг устига чиқиб айтар эди».

Абу Довуд ривоят қилган.

Шарҳ: Бундан азонни иложи борича узоққа етказиш учун ҳаракат қилиш лозимлиги билинади. Шунинг учун ҳам мусулмонлар доимо ушбу мақсадда керакли чоралар кўриб келишган. Мусулмон оламидаги сон-саноксиз баланд миноралар, мезаналар шу мақсадда барпо этилган. Ҳозирги замонавий қулайликлардан ҳам унумли фойдаланишмоқда. Мусулмон одам азоннинг овозидан баҳра олади, у қанча баланд бўлса, узоққа етса, шунча хурсанд бўлади.

هُلِّلَا يَضْرَعَةُ فَيَحُجُّ يَبَأُنَع
نَدْوِي أَلْبُتِّي أَرْجَلُاقُ هُنَع
أَنْهَهُ هُفُّعُ بَتِّي وَرُودِي وَ
هَيَنْدُأِي فَهُغُّبُصُأُو أَنْهَهُ وَ
هُلِّلَا يَلَّصُ هَلِّلَا لُوسَرُو
هَلِّهَبُّقُ يَفَمَّ لَسَوِ هَيَلَع
هُلِّلَا بَجَرَّخُفٍ مَدَأُنَمَ أَرْمَح
أَهْزَكَرَفِ هَزْنَعُ لَابِ هَيَدَيَنْ نِيَب
أَهْيَلَا يَلَّصُ فَهَأْخَطُّبُ لَا يَف
هُلِّلَا يَلَّصُ هَلِّلَا لُوسَرُو

نَيْبٌ رُمِّيَ مَلَسَ وَهِيَ لَع
هِيَ لَعَّوْ رَامْخُلَاوْ بَلْ كَلَا هِيَ دَي
يَلَا رُظْنَا يَنْ أَكْءَا رَمَحٌ هَلْح
يُةِ يَأورِي فَوِ هِيَ قِ اسِ قِ يَرْب
يَلَعٌ يَحٌ» غَلَبَ أَمَلَف
«حَالَ فُلَا يَلَعٌ يَحٌ، هَالْ صِلَا
أَلْ أَمَشَوْ أَنْ يَمِي هَقُنْعٌ يَوْل
هَسْمَخُلَا هَأورِ. رَدَتْ سَيِّ مَلَو
يِ ذِمَّرْتَلْ لُ هُظْفَلَو

Абу Жухайфа розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Билолнинг айланиб юриб, азон айтаётганини кўрдим. У оғзини у ёққа, бу ёққа бурар, икки бармоғи қулоғида эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бўлсалар ошланган теридан қилинган қизил қапада эдилар. Бас, Билол у зотнинг олдиларига аназани (асони) кўтариб чиқиб, яланглик жойга санчди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам унга қараб намоз ўқидилар. Олдиларидан ит, эшак ўтиб турар эди. У зотнинг устларида қизил кийим бор эди. Мен у зотнинг оппоқ болдирларини кўриб турар эдим».

Бошқа бир ривоятда:

«Ҳайя ʔалас-солаҳ, ҳайя ʔалал-фалаҳ»га етганида бўйнини ўнгга, чапга бурди, айланмади», дейилган.

Бешовларидан ривоят қилинган. Лафз Термизийники.

Ровийнинг **«Билолнинг айланиб юриб»** дегани «бир жойдан иккинчи жойга кўчиб» деган маънодадир. Чунки азон қиблага қараб айтилади, орқага айланиб бўлмади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Азонни кўпчилик эшитиши учун бир жойдан иккинчи жойга ўтиб юриб, айтиш мумкинлиги.
2. Шу мақсадда муаззин оғзини у ёққа, бу ёққа буриши мумкинлиги.
3. Муаззин овози яхши чиқиши учун бармоғини қулоғига тиқиб олса яхши бўлиши.
4. Ошланган теридан қилинган қапада ўтириш мумкинлиги.
5. Ҳазрати Билол розияллоҳу анҳунинг фазллари.
6. Яланглик жойда намоз ўқиганда имомнинг қаршисига асо ёки шунга ўхшаш нарсани тўсиқ қилиб қўйиш кераклиги.
7. Олдида тўсиқ бор намозхоннинг қаршисидан ўтган нарса унинг намозини бузмаслиги.
8. Қизил ранг кийим кийиш мумкинлиги.
9. Намозда болдирлар очиқ бўлиши мумкинлиги.
10. Муаззин «Ҳайя ʔалас-салоҳ»га етганида бўйнини ўнг томонга, «Ҳайя ʔалал-фалаҳ»га етганида чап томонга буриши.
11. Муаззин азон пайтида танасини айлантормаслиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.